

ЭРТАГА-ХОТИРА КУНИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

РЎЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Тасвир

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

31 (2295)

1991 ЙИЛ 30 МАРТ

ШАНБА

БАҲОСИ 10 ТИЙИН

ЎЗССЖ ИИВ ҲАЙЪАТИДА

Кеча ЎзССЖ ИИВ ҳайъатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтиб, унда ССЖИ Президентининг 1990 йил 30 ноябрдаги «Халқ истеъмол моллари ва озиқ-овқат билан савдо қилиш, уларни ташиниш ва сақлашда тартиб ўрнатилиш мақсадида ишчи назоратини кучайтириш тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифалар ижроси ва бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ички ишлар идоралари фаолияти самарасини ошириш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Ҳайъат ЎзССЖ ички ишлар идоралари томонидан мансабдорлик ва хўжалик жиноятлари олдини олиш борасидаги фаолият самарасини бирмунча ошириш, давлат ва жамоат мулкига ғаразли тажовузларга қарши турадиган ишончли восита ташкил этиш таъминланганини таъкидлади.

Шунингдек, вазирликнинг фаолиятига оид бошқа айрим масалалар ҳам кўрилди.

ВАЗИР НОМИГА МАКТУБ КЕЛДИ

ҲУРМАТИМИЗ ЯНАДА ОШДИ

Ассалому алайкум, ҳурматли Вячеслав Мухторович! Соғлигингиз ва саломатлигингиз яхшими? Ишлар билан чарчамай юрибсизми? Оила аъзоларингизнинг саломатлиги ҳам яхшими? Балким Сиз бизни танимаётгандирсиз, унутиб ҳам юборгандирсиз? Қанчалар муҳим иш билан банд эканлигингизни биламиз. Шунинг учун вақтингизни ола-

ётганимиздан жуда хижолатдамиз. Биз Сиз меҳмон бўлиб ташриф буурган ҳарбий сув ости кемасида хизмат бурчимизни ўтаётган икки ўзбек йигитимиз. Бизнинг аҳволларимиз яхши, хизматимиз жойида. Кемага ташрифингиздан сўнг командиримизнинг бизга нисбатан ҳурмати янада ошди ва муносабати ўзгарди. Келиб биз билан суҳбатлашишни

лозим топганингиз учун Сиздан миннатдоримиз. Бу билан ҳамон фахрланамиз. Биз Сизга чуқур ташаккур изҳор қиламиз. Сизга ва Сиз орқали халқимиз осойишталиги йўлида хизмат қилаётган барча ички ишлар идоралари ходимларига мустаҳкам соғлиқ тилаб қоламиз.

БегмамаТ ЕРМАТОВ,
Бахтиёр АСЛОНОВ,
ҳарбий денгизчилар.

КЎНГИЛДА НИЯТ БЎЛСА...

Ассалому алайкум, Ватанимизнинг сарҳадларини кўриқлаётган БегмамаТ ва Бахтиёржон! Сизларнинг мактубингиз ёдимга олди хизмат қилган йилларимни эслатди. Мусофирчиликда юртингдан келган нотаниш киши ҳам туғишганингиз қадрдон туюлади. Бу ҳис менга бегона эмас. Шу сабаб мактубни эътибор билан ўқиб чиқдим. Сизларнинг бир энди хатни кўзларингиз тўрт бўлиб, интиқлик билан кутишингизни билиб, соғинчга тўлган қалбингизга озгина илиқлик бахшида этар деган умидда жавоб ёзишга аҳд қилдим.

идоралари ходимларига яхши тилаклар билдирганингиз учун катта раҳмат. Тўғриси юртимизнинг сизлардек азаматлари мовий чегараларимизни сергаклик билан кўриқлаётганидан бошим осмонда. Чунки бундай шараф ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Уйлайманки, у ерда ўқиб-ўрганганингиз келгуси ҳаётларингизда асқотади. Бундан ташқари ҳам жисмоний, ҳам маънавий тажрибага эга бўласизларким, улар ёрдамида турмуш қийинчиликларини, тўсиқларини бартараф этиш энгил кечади.

гилда ният бўлса, уни амалга оширишда Сизларга ҳар томонлама кўмаклашаман. Бунга ишончларингиз комил бўлсин.

Вячеслав КАМОЛОВ,
жумҳурият ички ишлар вазири, генерал-майор.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

ССЖИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ МОСКВА ШАҲАР ВА МОСКВА ВИЛОЯТИ БОШ БОШҚАРМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

рига амал қилиб, қарор қиламан:

сари — ССЖИ Ички ишлар вазирилик Москва шаҳар ва Москва вилояти бош бошқармасининг бошлиғи этиб таъинлансин.

Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқининг Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.
Москва, Кремль.
1991 йил 26 март.



Милиция подполковниги Абдумуталиб Эргашев — асли андижонлик. Хизмат тақозоси вақтидан Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида ички ишлар бўлими бошлиғи лавозимига ишляпти.

ЁЛҒОН!

Йўқ! Йўқ!
Менинг ёрим ўлмаган,
Қорахат қоғозин келгани
Улган деганларнинг сўзлари
Қайтиб ҳам келмайди,
Паҳлавон гавдаси катта
Кулфи билан келди, деганлар
Еринг йўқ! Бевасан!
Унутгин энди,

Ўзгага меҳр қўй деганлар
Ҳижрон азобига дош
Мактубинг ёш билан
Хиёнатни оловда
Лек, сенсиз кунларим ўтгани
Сўнгги дам бўзлатиб кетар
Намли кипригимга осилди
Аммо бил, қалбдади ёниқ
Сенсиз яшаяпти, деганлар
Наргиза ЖАЛОЛОВА,
ТошДД талабаси.

УЛАР ШАҲИД КЕТИШДИ

— Аҳмаджон Хўжамов, 1953 йилда туғилган, Андижон вилояти ИИБ ДАНБ алоҳида ротаси инспектори, милиция старшинаси. Қуролли жиноятчи билан олишув пайтида ҳётдан кўз юмди. Воқеа 1988 йил 7 февраль кунин содир бўлди.

— Раҳмонкул Аноров, 1956 йилда таваллуд топган, милиция капитани, Гулистон шаҳар ИИБ ЖКБ бошлиғи. 1986 йил 10 август кунин жиноятчини қўлга олиш пайтида етказилган пичоқ зарбаси унинг азиз умрига нуқта қўйди.

РУЗНОМАНИНГ 2, 3-БЕТЛАРИ ХОТИРА КУНИГА БАҒИШЛАНГАН

ТУШЛАРИМДА КЎРАМАН

Ҳамкасбларимиз орасида мақсадсиз афгон урушида қатнашган йигитлар анчагина. Улардан бири Тошкент шаҳар ИИБ ҳузуридаги соқчилик бошқармаси бўлимида командири, милиция катта сержанти Юсуф Ёқубовдир.

— Бу ҳақда гапириш мен учун гоёт қийин, — дейди у маъносиз нигоҳини бир нуқтага тикиб. — Нега деганда кўздай яқин дўстларимнинг бир қанчаси бегона юртда қолиб кетган. Баъзан тушларимда уларни кўраман. Улар ҳалок бўлиб, мен соғ-саломат қайганим учун ҳам ўзимни гала-ти сезаман.

1981 йилда Термиз шаҳрида махсус тайёргарликдан ўтганимдан кейин кўлар қатори 35 нафар ўзбек йигити оловли Афғонистонга йўл олди. Шу кунгача Чорикор ва Баграм шаҳарлари оралигида жойлашган инженер-сапёрлар қисмига етиб келдик.

Айниқса, биринчи марта навбатчиликка чиққан куним ҳеч эсимдан чиқмайди. Атрофни зулмат қоплаши билан душман қўл чироқларини ёқиб, бизни мазаҳ қила бошлади. Шарпа сезилган томонга қарата ўқ узишга бизга руҳсат берилганди. Шу кун иккала ўқдонимни бўшатиб қайтдим. Тўғриси, бироз мўчидим ҳам. Лекин жангчи жангда чиниқади, деганлари рост экан, секин-ас-та ўрганиб кетдим.

Биринчи жанговар топшириққа чиқишим ҳам хотирамга муҳрланиб қолган. Соёликдан 62 чақирим ичкарида жойлашган душман истеҳкомини ишғол қилишимиз керак эди. 18 кун давомида атиги 40 чақирим масофани жанг қилиб босиб ўтдик. Лекин яна олдинга ҳаракат қилишнинг иложи йўқ эди. Орқага қайтдик. Кўп ўртоқларим ҳалок бўлишди.

— Юсуфжон, «Қизил юлдуз» ордени билан қайси хизматларингиз эвазига тақдирлангансиз?

— Хизмат муддатим охираб, Ватанга қайтишимизга атиги икки ой қолганди. Катта лейтенант Валера Биалковский етакчилигида 16 нафар сапёрга жанговар топшириқ берилди. Йўл қурилишига ихтисослашган бўлима. Кишим-Файзиобод оралигидаги йўллари тузатиши керак эди. Биз эса улар билан бирга йўлни миналардан тозалаб бордик.

Мен, командирим В. Биалковский ва белорус дўстим Володя Шелич ўрнимизга янги офицер ва солдатлар келиши билан орқага қайтдик. Шу йўлдан кетаётган махсус юк ташувчи машиналардан бирига ўтирдик. Колоннанинг охирида эдик. Чорикор-Баграм йўлига етиб келганимизда кун бота бошлади. Манзилимизга бир чақиримча масофа қолганда тўсатдан бизни ўққа туттиди. Олдимиздаги машина портлаб кетди, кейин бизнинг «КАМАЗ»га ҳам граната тегди. Олдиндаги ўнта машина эса тўхтамай илгарилан кетди.

Тенгсиз отишмада ҳамроҳларим яраланди.

Уларни минг азобда жанг майдонидан олиб чиқдим. Афсус, бу йигитларга қадрдон юрт тупроғига қадам босиш насиб этмади, шифохонада икковлари ҳам жон беришди.

«Қизил юлдуз» орденига тавсия қилинганимни ота-онам бағрига қайтиб келганимдан сўнг билдим.

Мирҳон МИРАҲМЕДОВ,
милиция капитани.



Инсоннинг меҳнати атрофдаги инсофли ва диёнатли кишилар томонидан эртами-кечми ўз қадрини топади. Уста Олим, Фозил бахши, Носир мерган каби кишилар эл оғзига бекорга тушишмаган. Бу сингари одамларнинг қолдирган хотиралари авлоддан-авлодга кучиб яшайверади. Шундай кишиларнинг бири халқ орасида «Бердибек мелиса» деб танилган — Бердибек Саримовдир.

1880 йилда камбағал деҳқон оиласида туғилган Бердибек жамиятдаги тенгсизлик, ҳуқуқсизликнинг кўп-лаб жабр-ситамларини бошидан кечирди.

Эси кириб, оқу қорани таний бошлаган Бердибек отасига, оиласига ёрдам беришга ҳаракат қилди. Кимларнингдир жон койитмасдан пул топиши, уйда мардикор ишлатиши, бола-чақаларининг беўй, бедард кун кечирishi у каби йўқсилларнинг нафсониятига тегмай қолмасди. Оч-наҳор халқ бундай тенгсизликни кўриб, сабр косасининг бир кунни жунбушга келишини англади эди. Ҳозирча эса на-чора: осмон узоқ, ер қаттиқ.

Октябрь инқилоби бошланганда хўрлик ва адолатсизлик суягига бориб тақалган Бердибек биринчилардан бўлиб Зоминда тузилган халқ милициясига аъзо бўлди.

Уша суронли йилларда милицияга кўнгилли бўлиб кирганлар кўп эди. Уларнинг ҳаммаси ҳам ёш шўро ҳокимиятининг оёққа туришига ишонмас, кўпчилиги аросатда эди. Одам оласи ичида, деганларидек, баъзан босмачиларга сотилганлар учраб турарди. Очил исмли йигит шундайларнинг бири бўлиб чиқди.

Босмачилар кундуз кунлари йироқларда — тоғу

Сиз кўриб турган ушбу сурат 1930 йил 21 март кунининг. Орадан олтинчи йил вақт ўтибди. Бу давр ичида шўро милицияси бошидан не-не кунларни ўтказмади, дейсиз. Қанчадан қанча жиноятчилар зарарсизлантирилди, кўп-лаб ҳуқуқбузарликларнинг олди олинди. Босқинчи ва талончилар билан олишувларда зафарларга эришилди. Юртда тинчлик ўрнатиш мақсадида ички ишлар ходимлари ойлаб ва ҳаттоки йиллаб ўз оилаларидан йироқларда юрдилар, ҳаётларини хавф остига қўйдилар. Бу ишларнинг ҳаммаси халқ осойишталигини кўзлаб қилинаётган эди. Алп йигитларнинг кўплари ёвузлик билан адолат ўртасидаги тўқнашувларда шахид кетдилар.

Шундай қаҳрамонлардан бири андижонлик Болтахўжа Султонов эди. Бу йигитнинг номини эшитибок жиноятчиларни титроқ босарди. Чунки у ёш бўлишига қарамай жуда зийрак ва абжир бўлганди.

1929 йил Ҳш шаҳри босмачилар томонидан қуршаб олинган, танг аҳвол юзага келган эди. Чунки улар фуқароларга зулм ўтказиб, талончилик қилаётган эдилар.

Мана шундай оғир дамларда В. Султонов шаҳар милицияси бошлиғи, ревком аъзоси сифатида иш олиб борди. У зукколик билан қўллаган тадбирлари орқали босмачиларни ис-канжага ола бошлади. Улар эса қалтис вазиятга тушиб

тошларда, чўлу биёбонларда писиб ётишар, қоронғу тушиши билан қишлоқларни талаш, ўт ёқишга йўл олишарди. Милиция ходимлари эса уларнинг йўллари-рига пистирмалар қўйишарди. Ана шундай пистирмаларнинг бирига Бердибек, Очил ва яна бир киши юборилди. Йўлда ўзаро суҳбат чоғида Очил босмачилар йўлбошчиси Туратбекнинг номини ҳурмат билан тилга олди. Ҳатто унинг йигитларига мол-дунёни баб-баробар бўлиб бераётганлигини айтиб, ознинг сўлағи оқди. Куч жиҳатдан устулгини эътироф этиб, Бердибекни улар

ҳовлисига бостириб киришди. Улар орасида йўл бошловчи Очил сотқин ҳам бор эди.

Қорабекдан укаси Бердибекни қаерда эканлигини, уни топиб беришни талаб қилишди. Қорабек укасини кўрмаганлигини айтди. Улар Қорабекни қамчи билан савалаб ҳайдаб кетишди. Эртаси кун одамлар унинг жасадини топишди.

Босмачиларга нисбатан қалбида газаб ва нафрат алангаси ёнган Бердибек: «Қасосли дунё бу, акамнинг хунини олмагунча тинчмайман», — деди.

— Сабр қил, оқил бўл, — дея маслаҳат берди Мулло

ИНСОН. ДАВР. ҚАДРИЯТ

БЕРДИБЕК МЕЛИСА

томонга ўтишга ундади.

Бердибек гап орасида отининг айили бўшаб кетганлигини баҳона қилиб паства энгашиди. Қўлидаги бешотарни хоиннинг саманига тўғрилаб, тепкини босди. Афсус ўқ нишонга тегмади. Очил сотқин ва унинг шериги Қорамозор томон от қўйиб, қочиб кетишди.

Қишлоқларда босмачилар халқни талар, мол-мулкни тортиб олар, кўпчиликни ўлдириб кетишарди. Зоминдаги мавжуд милиция ходимлари тартиб ўрнатиш учун камлик қилгани сабабли уларга 400 аскар ёрдамга келди. Бу вақтда қаҳрамонимиз маҳаллий йигитлардан чиққан милиция ходими сифатида эл оғзига тушган эди.

Унинг довжурак, ботирлигини ёқтирмаган босмачилар Бердибекни йўқ қилиш пайига тушдилар.

Тун ярмида уч киши унинг акаси — Қорабекнинг

Махсум. — Жаҳл душман, ақл дўст. Ёш жонингга жабр қилма. Мана қишлоғимизга қўшимча аскарлар келди. Ана шулар билан ҳаракат қилсанг, адашмайсан, мурдингга етасан.

Бу сўзлар Бердибекка маъқул тушди.

В. Саримов 1940 йилгача Зоминдаги ишчи-деҳқон милицияси сафида хизмат қилди. Босмачиларга қарши курашда алоҳида мардлик ва жасорат кўрсатгани учун бир неча марта ташақкурномалар олди. Улуғ инқилобнинг 15 йиллиги муносабати билан 1932 йилда Ўзбекистон ССЖ Марказий ижроия қўмитаси Раёсати томонидан Фахрий Ёрлик билан мукофотланди. Шу йили Бердибек бобони босмачилик ҳаракатини тугатишдаги хизматлари муносиб тақдирланиб, унга исм-шарифи ёзилган тўпсонча беришди (кейинчалик Бердибек бобо бу қуролни ўз

ихтиёри билан музейга топширди). Шунингдек, Қизил Байроқ ва бошқа орденларга сазовор бўлди.

В. Саримов 1927 йилдан 1973 йилгача КПСС сафид бўлди. У 1973 йилда 93 ёшида вафот этди.

Ҳа, инсонга берилган умр абадий эмас. Лекин ҳаёт боқий. Инсон меҳнати, шон-шавкати абадий. Шу нуқтан назардан Бердибек бобо ҳаёти даврида ўзига хос из қолдирди. Назаримда, у умри давомида И. Фиктернинг: «Майли мени нима тарк этса этсин, аммо мардлик тарк этмасин», — деган сўзларига амал қилиб яшаган-дек бўлади. Бугунги кунда Бирлашган қишлоғи аҳолиси унинг ҳаёти ва хизмати билан фахрланишади.

Ҳаётимизда ўзининг камтарин хизмати билан бугунги кунлар учун қонидан, керак бўлса жонидан кечиб хизмат қилган одамлар кўп. Шу ўринда қишлоқ меҳнаткашларининг Бирлашгандаги 24-мактабга Бердибек Саримов номини бериш ҳақидаги талаби жуда ўринлидир. Агар маҳаллий Кенгаш раҳбарлари В. Саримовнинг номини абадийлаштириш борасида аҳоли талабини инobatга олишса, гоёт олийжаноб ва хайрли ишга қўл урган бўлардилар.

Халқ орасида «Бердибек мелиса» деб ном таратган курашчилардан бири — Бердибек бобонинг порлоқ хотираси ва ўлмас руҳи олдида ҳар қанча савоб иш қилинса арзийди.

Йиллар ўтиши билан давр ўзгаради, қанчадан-қанча одамлар ҳаётга келиб кетади. Лекин инсон хотираси, қадри асло унутилмайди. Инсон тақдирини олмосга қиёслаш мумкин. Вақт ўтиши билан тобланиб, ярқираб бораверади.

А. СОДИҚОВ.

БИР СУРАТ ТАРИХИ



қолганларини сезгач, Болтахўжани йўқ қилиш пайига тушдилар. Кейинчалик ёвуз ниятларига эришдилар ҳам. Султонов ваҳшийларча қатл этилди. Бироқ асл мақсадларига етишолмадилар. Тез кунлар ичида Болтахўжанинг сафдошлари шаҳарни босқинчилардан озод қилдилар.

Орадан кўп ўтмай акаси изидан боришга аҳд қилган Насрулло Султонов ҳам

НКВДда хизмат қила бошлади ва 30 йилдан кўпроқ умрини шу ишга бағишлади. Кейинчалик унинг жияни Мухтор Султонов шўро милицияси сафида келиб қўшилди.

Ватанпарвар оилада тарбияланган Мухтор ака кексайиб қолгунга қадар қонунбузарларга қарши беаёв курашди. У кўп йиллар жумҳурият ички ишлар вазирининг ўринбосари сифатида

фаолият кўрсатди ва отаси васиятларига содиқ қолди. Истеъфодаги милиция генерал-майори Мухтор ака Султонов ҳозирда кексалик гаштини сурмоқда. Султоновлар сулоласининг хизмати биз учун ҳамisha ўр-нак бўлади. **М. КАРИМОВ,**

милиция подполковниги.
СУРАТДА: Болтахўжа Султонов жанговар сафдошлари билан (пастдан иккинчи қаторнинг бешинчиси).

БУХОРО ЖУМҲУРИЯТИ ОРДЕНИНИНГ СОҲИБИ

Йилларнинг шиддатли оқи-ми не-не тақдирларни бизлардан олисга оқизиб кетмоқда. Лекин онгли ҳаётини эл хизматида беғараз сарфлаган ажойиб инсонлар ҳақидаги ёрқин хотира миннатдор қалблардан ўчмас ўрин оларкан. Узоқ йиллар УзССР ИИБ Тошкент йўл милицияси бўлимида ишлаган Ерзин Қодирович Абидин ана шундай иззатга лойиқ ходимлардан бири.

Қайноқ ёшлик йиллари фуқаролар урушига тўғри келган Ерзин ўзини инқилоб ҳимоя-

чилари сафида деб билди. Кўп миқдорда қурол-яроқ, ўқ-дори сақланаётган Керки қалъасини босмачи ва оқ гвардиячи казаклар ҳужумидан ҳимоя қилишда фаол иштирок этди.

Кейинчалик Ерзин Абидин Бухоро Халқ Шўро жумҳурия-тининг ҳуқуқ-тартибот идораларида масъул лавозимларни эгаллади. Янги ҳокимиятга қарши бош кўтарган тўдаларни тугатиш жангларида кўрсатган матонати ва жасорати учун Бухоро жумҳуриясининг олий нишони — «Қизил Юлдуз»



ордени билан тақдирланди.
К. МИРЗАЕВ.
СУРАТДА: Е. АБИДИН.

ЖАСОРАТНИНГ ДАВОМИ

Қуйдаги суратга бир на-зар ташланг.

Унда Наманган шаҳар ИИБ ходими, милиция катта сер-жанги марҳум Машраб Мўми-нов оила аъзолари тасвирлан-ган.

Еш бўлсада, муштипар юзла-рига йиллар армони ажин бў-либ тушган Софийахонга, фар-зандлари Қаҳрамон, Одина, Қизлархон ва Дилбархонларга, уларнинг нигоҳида қотиб қол-ган мунга эътибор қилинг. Бу оддий мунг эмас, безорилар қўлида ҳалок бўлган Машраб-жон соғинчи.

Яқинда биз уларнинг хонадо-нида бўлдик.

— Ҳукуматимизга раҳмат,— дейди Софийахон кинриклари орасидан сизиб чиққан ёшни яшириб артаркан.— 4 болам билан 135 сўм нафақа пулига қаноат қилиб келаётгандик. Утган йил октябрь ойидан бош-лаб 420 сўм олаёلمиз.

Софийахонга офарин! Энг мўтабар ҳисобланган ўзбек аёлларининг барча фазилатла-ри унда жамулжам.

Халқимизда бир нақл бор. Қўл билан берганга қуш тўй-мас, дейишади. Айтилган ёр-дамлар қалдирғочининг боласи-дек оғзини очиб турган тўрт нафар сағирга нима бўларди, дейсиз! Шундай бўлсада, чурқ этиб бироғга нолимади. Шу-кур қилди. Бу фазилат унга ардоқли турмуш ўртоғидан ме-рос бўлиб қолган.

«Хурматли Софийахон Мўми-нова! Сизни 7 март куни халқ-аро хотин-қизлар байрами му-носабати билан ўтказиладиган тантанали йиғилишга таклиф қиламиз.

ССЖИ ички ишлар вазирлиги» — Худога шукр, эримнинг ҳурмати тугайли бизни йўл-лайдиганлар бор экан,— дейди у ана шу таклифомани бизга кўрсатаркан.— Афсус, Москва-га ўзим борамадим.

Мамлакатимиз пойтахтидаги

Давлат Академик Катта теат-рида ўтказилган тантанали йиғилишда Машрабжон Мўми-новнинг укаси Раҳимжон иш-тирок этди.

— Йиғилиш тугагач, ССЖИ ИИБ вакили В. Карпачев мен-дан ҳол-аҳвол сўради. Кели-нойимни табриклар қўйишимни айтди ва 2000 сўм ёрдам пули берди,— деб ҳикоя қилади Раҳимжон,— кейин нима кам-чиликлар бор, деб сўради. Мен акамнинг ўғли Қаҳрамон олий милиция мактабига кириб ўқиб, ота касбини давом эттириш ниятида эканлигини айтдим. У киши эса ёрдамлашишга ваъда берди.

Бу хонадондан чиқиб, мар-ҳум сафдошимиз қабрига йўл олдик. Яхшиямки, унинг ўғли Қаҳрамоннинг бизга ҳамроҳ бўлгани. Йўқса, қаровсиз ётган Хўжаобод қабристонинда дўсти-миз хоки-пойини тополмаган бўларканмиз.

Киниоларда кўп кўрганмиз. Инсон яшамайдиган ўрмон, тўқайзорларда, ҳатто ботқоқ-ликларда ҳам дўппайиб турган қабр устида «Бу жойда қаҳра-мон солдат ётибди» деган лав-ҳага кўзимиз тушган.

Машраб Мўминов Наманган шаҳрида ишлаган. Аммо мили-цияга ишга киргунга қадар шу туман, шу жамоа ҳўжалиги ҳу-дудда яшаганку! Қолаверса, унинг ўлими одатий эмас, жан-говар постида, жамоат тарти-бини сақлаш жараёнида юз берган.

Бугунги иқтисодий таиғ ва-зиятда ҳар қандай оилада ҳам рўзгор тебратиш осон эмас. Лекин бу аёл тош келса ке-мириб, сув келса симиришга одатланган. У етмайпти, бу ет-майпти, деб бошқаларга нола қилиш унга мутлақо ёт. Бу ҳислатни у Машрабжондан ўр-ганган.

Неъматжон МАМАЖОНОВ,
милиция майори.



СИЗНИ ЭСЛАБ

«Чумчуқ есин донини, дуо қилсин жонини,
Олтин бешикда топсин болам ўз оромини.
Тангрига илтижомим: асрасин ўз бағрида,
Ўсиб-унсин, илоҳим, ҳалол есин нонини.
Алла, болам, аллаё, жоним болам, аллаё...»

Онажон, бугун фақат, фақат сизни эсладим,
Юрагимга ўт тушиб, дил-дилидан бўзладим.
Селга менгзар ёшимни тўхтатувчи куч қани?
Дон излаган чумчуқдек, аллангизни изладим.
«Чумчуқ есин донини, дуо қилсин жонини...»

Маърака ўтиб ерга гуруч-урвоқ тўкилди,
Менинг бу алп қоматим сизсиз анча букилди.
Алам, айрилиқ тиги бунчалар ўтир экан,
Алла каломин эслаб, юрак-бағрим сўкилди.
«Чумчуқ есин донини, дуо қилсин жонини...»

Чумчуқ дон ҳам еяпти, балким дуо қияпти,
Қабрингиз қошидаман, ҳижрон гами эяпти.
Пойингизга бош қўйиб, овозингиз қўмсасам,
Ер қаъридан бир садо алла бўлиб келяпти!
«Чумчуқ есин донини, дуо қилсин жонини...»

Энди, укажонларим, у кунлар ҳеч қайтмайди,
Волидамиз алласин энди ҳеч ҳам айтмайди.
Меҳрибон сингилларим, тебратинг бешикларини,
Майин алла куйида руҳ ҳам сокин ухлайди...
«Чумчуқ есин донини, дуо қилсин жонини...»

Раҳмонали ТУРСУНАЛИЕВ,
милиция майори.

ЭЛ ТОМИРИ БИЛАН КУЧЛИ

Халқимизда ажойиб удумлар бор. Уларни бирин-кетин тик-ланаётгани бизни қувонтирмоқ-да. Чунки томиридан узилган эл сира қадр топмайди.

Шу мақсадда Наврўз теле-марафонда қатнашиш ва маъ-лум миқдорда йиғилган пул маблағини хайрия жамғарма-сига ўтказиш учун ИИБ жамоа-си мени Тошкентга йўллади. Савоб ишининг бағри кеиғ, дей-дилар. Қароримиздан хабар топган туман прокуратураси ва ДХҚ ходимлари ҳам кўнгилдан

чиқарган маблағларини қўшиш-ди. Хуллас, ўша кун ИИБ 300 сўм, прокуратура 150 сўм, ДХҚ 48 сўм, жами 798 сўм пулни хайрия жамғармасига ўтказди. Истагини шу эдики, ана шу жамғарма ҳисобидан халқим, юртим деб жон фидо қилган ҳамкасбларимнинг оила-ларига ҳам ёрдам берилса.

Дилором НАЗИРОВА,
Риштон тумани ИИБ паспорт
столни бошлиғи, милиция капи-тани.

ХАЛҚ ДИЛИДА

Шундай одамлар бўлади-ки, йиллар ўтиши билан ҳам уларнинг хизматлари халқ хотирасидан кўтарилмайди. Бундай ҳурматга сазовор бўлганлардан бири, марҳум Саъди Жумаевдир. Саъди ака суронли йигирманчи йил-лари биринчилардан бўлиб, милиция хизматида кирганлар-дан бири. У 1923-1929 йиллар-да Косон туманида милицио-нер, отряд командири бўлиб ишлаган. Уша оғир даврда босмачиларга қарши кўплаб жангларда қатнашган. Анчаги-на одамларнинг ҳаётини сақ-лаб қолган. Оддий милицио-нерликдан туман ички ишлар бўлими бошлиғи даражаси-гача кўтарилиб, ички ишлар соҳасидаги узоқ йиллик меҳ-нати давомида Қизил Бай-роқ ордени ва кўплаб ме-даллар билан тақдирланди.

Ана шундай инсоннинг но-мини абадийлаштириш мақ-садида яқинда Косон шаҳар Кенгаши раёсатининг қарори билан шаҳар кўчаларидан бирига Саъди Жумаев номи берилди.

Шаҳар кўчаларидан яна бири эса милиция сафида бос-мачиларга қарши курашган Боқи Ширинов номи билан аталадиган бўлди. Пўлоти қишлоқ аҳли ҳам яхши ташаб-бус билан чиқди. Жамоатчи-ликнинг фикрини маъқулла-ган Пўлоти қишлоқ Кенгаши раёсатининг қарорига асосан айни пайтда қишлоқ кўчалари-дан бирига бутун умрини ички ишлар идораларида хиз-мат қилишга бағишлаган Очиқ Мирзаев номи берил-ди. Бу марҳум халқ посбонла-рига катта ҳурмат белгисидир.

И. УСМОНОВ,
Косон тумани партия қў-митаси ходими.

ҚАТРАДА ҚУЁШ АКСИ

Одамнинг умри дарахтга ўхшайди. Нозик навниҳол тупроқ остида илдиз отади. Униб ўсади. Дуркун новда-лари гул, барглари билан безанади. Шохлаб қулоқ ёзади. Ям-яшил дарахтга айланади. Одамлар унинг сояси оғушида ором олади-лар.

Сирғали тумани ИИБ кат-та участка инспектори, ми-лиция капитани марҳум Азимжон Раҳимовнинг қис-қа умри ҳам худди шу да-рахт сингари кечди. Афсус-ки, тўсатдан бостириб кел-ган довул меваси пишиб ул-гурмаган дарахтни қўпо-риб ташлаганидек, бемав-рид келган ажал ҳам Азим-жон акани ўз домига тортиб кетди. Зулукдек ёпишиб олган хасталик уни йиқит-ди.

У жуда қисқа умр кўрди. Лекин ўн йиллик иш фао-лияти давомида ўртамеъна ишлайдиган бир ходимнинг пенсияга чиққунга қадар қиладиган ишнини бажариб кетди.

Баланд бўйли, озгиндан келган, қора мағиз бу йигит-ни Сирғали туманида тани-майдиغانлар кам эди. Чун-ки у доимо одамлар ораси-да, меҳнат жамоалари, ўкув юртлари ва жамоат жойла-рида бўлар эди.

А. Раҳимов 1977 йилда

маскур туман ички ишлар бўлимида участка инспек-тори сифатида иш бошла-ди. Ўзи андижонлик, мута-хассислиги ҳуқуқшунос эди. Лекин шундай бўлса-да, у дастлаб қийинчилик-ларга дуч келди. Бунинг устига оилавий шароити ҳам оғир эди. Икки хонали ташландиқ ҳолатга тушиб қолган уйни таъмирлаб, ўша ерда оиласи билан яшади. Шунинг ҳам бир хонасини иш кабинети ўр-нида фойдаланди.

Саноат корхоналари жой-лашган бу ҳудудда ташма-чилик авжига чиққан, безо-ри ва гиёҳвандлар ҳам кўп эди. Вақти келганда А. Ра-ҳимов бундай кимсалар би-лан яккама-якка кураш олиб борди. У ҳеч қачон тушқун-ликка тушмади, бу одам та-биатан жуда қувноқ бўлиб, ҳазил-мутоибани жуда хуш кўрарди. Бу водийликларга хос бўлган хислат, албат-та. Лекин у бир сўзли ва қаттиққўл ходимлардан эди. Участка инспектори сифатида ўзига бирикти-рилган мавзеда бирорта ҳам кишини меҳнатсиз кун кечиришига йўл қўймади.

Ҳаттоки ишқмас ялқов-ларни шаҳсан ўзи бирор корхонага ишга жойлашти-риб қўярди. Кейинчалик Азим ака катта участка ин-спектори лавозимига тайин-ланганидан кейин қўл ости-даги ходимлардан ҳам шу-ни талаб қилди.

А. Раҳимов билан кўп вақтлар бирга ишлаган Сир-ғали туман ИИБ ходимлари ўз ҳамкасбларини хотирлаб шундай дейишади.

М. Маҳмадусулов, меҳ-нат кексаси, истеъфодаги ички хизмат майори, А. Ра-ҳимовнинг устози:

— Азимжон маданият-ли ва хушмуомалали йигит эди. Қобилиятли участка инспектори қисқа муддат ичида мустақил ишлашга ўтди. Аҳоли орасида тезда танилди. Ҳудуддаги қону-бузарлик қилиши мумкин бўлган шахсларни ёддан би-ларди.

Сирғали тумани ИИБ участка инспектори, мили-ция катта лейтенанти Неъматжон Тожибоев:

— Мен участка инспек-тори «Алифбо»сини Азим-жон акадан ўргандим. Ус-тозим менга жуда кўп вақ-

тини сарфлади. Мустақил ишлай бошлаганимдан ке-йин ҳам мужмал ва оғир вазифаларни бажаришимда у менга йўл-йўриқлар кўр-сатар ва кўмаклашарди. У ҳеч қачон вақт билан ҳи-соблашмас ва мени ҳам шунга ундарди.

Туман ИИБ участка ин-спектори, милиция лейтенан-ти Абдуҷаббор Нурмонов:

— Мавзеда бўладиган тўй-ҳашамларга Азимжон ака доимо бош бўларди. У, ай-ниқса, ёшлар тарбиясига кўп аҳамият берарди. Бир неча бор ажралиб кетган оила-ларни қайта яраштириб қўй-ган. Маҳалла оқсоқоллари ҳам у киши билан бамасла-ҳат иш кўрарди.

Сирғали тумани ИИБ бош-лиғининг ўринбосари, ми-лиция майори Оллоёр Этам-бердиев:

— Азимжон ака билан ўн уч йил бирга ишладим. У жуда тиришқоқ ходим эди. Сирғали-4 даҳасида жамоат тартибини сақлаш пункти ташкил этиб, ўз а-трофида меҳнат ва уруш кексаларини жалб этди. Штатсиз участка инспек-тори ва кўнгилли халқ дру-

жинчилари ишини йўлга қўйди. Ҳаттоки, Мозамбик жумҳуриятидан тажриба ал-машиш учун келган вакил-лар А. Раҳимовнинг иш ус-лубини ўрганиб чиқиб, ол-ган қимматли маслаҳатлари учун Азим акани ҳукумат-лари номидан медал билан тақдирладилар. Бундан таш-қари унинг хизматлари раҳ-бариятимиз томонидан ҳам бир неча бор рағбатланти-рилган.

У олти фарзанднинг ота-си эди. Турмуш ўртоғи омон бўлсин. Болаларига ҳам оталик, ҳам оналик қилапти. Бизлар эса қўли-миздан келган ёрдамимизни аямаймиз. Шу кунларда бу оилани кўпхонали уйга кў-чириб ўтказиш масаласи ижобий ҳал бўлмоқда. Бо-лаларига пенсия тайинлан-ган.

Иссиқ-совуридан эса ўзимиз хабар олиб туриб-миз.

Дарҳақиқат, ўз ҳаётини эл-юрт тинчлиги учун ба-ғишлаган бу инсон қисқа умри давомида одамларга кўп нафи теғди. Шундай экан, унинг руҳини шод этиб норасида гўдакларига ҳамда ожизасига мадад бе-риб туриш, уларни қўллаб-қувватлаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

И. МИНАВВАРОВ.

ГАРАЖДАГИ ҚОТИЛЛИК

Тун. Чилонзор тумани ИИБ навбатчиси хонасида телефон жиринглайди. Навбатчи телефонга қўл чўзар экан соатга қарайди: 00.30 минут.

— Бўлим навбатчиси эшитди...

— Алло, милициями? Фамилиям Очилов. Наққошлик кўчасидаги шахсий машиналар турадиган гаражда қотиллик юз берди...

— Уртоқ Очилов, ҳеч қачон қилманг. Ҳозир наряд юбораман...

Навбатчи олинган маълумотни дафтарга қайд этди-ю, зудлик билан воқеадан жиноят қидирув бўлимаси бошлигини огоҳлантирди. Оператив гуруҳ етиб келганида ўрта ёшлардаги бир йигит ерга юз тубан тушиб ётар, кўкрагидан сизиб чиққан қон қотиб улгурган эди. Суд-тиббий экспертизаси қотиллик икки соатлар аввал юз берганини маълум қилди. Милиция ходимларининг олдидан икки вазифа — мурданинг шахсини аниқлаш ва жиноятчини топиш кўндаланг турарди. Машаққатли меҳнатлар туфайли тез фурсатда мурданинг шахси аниқланди. У Наққошлик кўчасидаги 15-уйнинг 4-хонадонидан яшовчи Владимир Тарасов экан. Суд-тиббий экспертизаси В. Тарасовни спиртли ичимлик ичганини ҳам аниқлади.

Хўш, у кимлар билан ичган? Қотили ким? Мана шуларни тезроқ ечиш муаммоси жиноят қидирув бўлимаси бошлиғига тинчлик бермасди. Аммо ўйлаб вақтини ҳам ўтказиб бўлмасди. Ҳар бир

дақиқа жиноятчининг фойдасига ишларди. Ниҳоят калаванинг учи топилгандай бўлди.

Фуқаро М. Эралиев тунги соат ўн бирларда гараж орқасидан бақир-чақир овозлар келганини кўп фурсат ўтмай икки юланка ёруғлиқдан қўриққан кўршапалакдек ўзларини қоронгулик қаърига уриб қотиб бўлишганини, у фақат бирининг эғнидаги қора курткасига эътибор берганини айтди. Лекин мана шу кичкина маълумот жиноятчини топишда қўл келди.

...Бахтиёр жазо муддатини ўтаб чиққач, анчагача ишсиз юрди. Онасининг қистовлари билан охири 7-автобус паркига ишга кирди. Олдинга туппа-тузук юрди. Бора-бора кечкурунлари аллақайларга қўриқиб бўладиган, ярим кечада уйга ширакайф кириб келадиган одат чиқарди. 1990 йилнинг 4 январь оқшомида одатдагидек кўчага отлана бошлади.

— Кеч бўлганда қаёққа борасан, болам... Ҳеч бўлмаса, бир кеч уйда ўтирсанг-чи, — деди онаси зорланиб.

— Уртоғимга қўнғироқ қилиб келай, касал экан, — деб важ-карсон қилди-да, кўчага чиқди.

«Итнинг ўртоғи-бит», деганларидек, дарров ҳамроҳ ҳам топилди қолди.

— Нима дейсан, «беш-

беш» қиламизми? — Бахтиёр улфатига синовчан назар ташлади.

— Камлик қилар-ов, «учинчисини» топиш керак, — жавоб қилди ялтоқланиб шериги.

— Кетдик. Улар қўнғироқиндек қатор терилган гаражларга яқинлашишганда, Володя ниманидир кавлаштираётган эди.

— Ҳорма, «қария». Э, йиғиштир матоҳингни. Қани, «беш» чиқар.

— Ҳа, сизларми. «Бешни» нима қиласан? Узинг биласанку, «эхтиёт қисмисиз» гаражга чиқмайман, — деди Володя илжайиб.

Оғайнлар бир-бирларини алқашиб, бир «мўсафид»ни бўшатишди. «Дустлари»нинг тилагидан ийиб кетган Володя гараж бурчагини титкилаб, яна бир шиша ароқни ўртага қўйди.

Уч улфат бу шишани ҳам бўшатишди. Бошлари гувиллаб, кўзлари ғилай тортишган журулар чайқалишиб ўринларидан туришди. Бахтиёр Володянинг елкасига қўлини қўйиб деди:

— Б-била-санми с-сен кимсан...? С-сен...

— Э-э-э, қ-қўйсанг-чи... м-мақтовни ё-ёмон кўраман.

Уз навбатда Володя ҳам Бахтиёрнинг елкасига қўлини узатди. Бироқ бу унга ёқ-

мади. Назарида қўл унга қаратилган мушт бўлиб туюлди. Ранги ўчди. Илгари ҳам ораларидан «ола мушук» ўтган эди. Кўзига улфати балодай кўринди. У билан орани очиб қилиб қўйиш керак, деган фикр кўнглидан ўтди. Кўзлари қисилиб нафас олиши тезлашди.

— Қ-қўлингни ол-л. У Володяни итариб юборди. Гараж деворига бориб урилган Тарасовнинг ҳам жазаваси тўтди.

— Н-нима?! Ҳали шунақани, мана сенга.

Бахтиёрни дабдурустан тушган мушт гандираклатди. Ишнинг бундай чаппасига кетаётганлигини кўрган учинчи улфат уларни ажратишга ҳаракат қила бошлади. Бироқ яхшигина калтак еган аламанда Бахтиёрнинг бўйсўнгиси келмади. Ҳозиргина бир-бирини ялаб-юлкашаётган ошналар бирпасда душманга айланишди. Володянинг қўлида пичоқни кўрган Бахтиёрнинг кўзи қонга тўлди. Қутурган бўридай рақибга ташланди. Биқинига тушган оёқ зарбидан бир зум эсанкириб қолган Володя шу лаҳзада ҳаётга нуқта қўйишнинг хаёлига ҳам келтирмаганди.

Зарб билан кўксига санчилган пичоқ Владимирни гурсиллатиб йиқитди. Унинг кўзлари қинидан чиқгудек катта-катта очилди-ю, гавда-

си бир тўлганиб юз тубан тушди.

Нима иш қилиб қўйганлигини англаган Бахтиёрнинг бирдан кайфи тарқаб, қўлидаги қонли пичоқни жон ҳолатда улоқтириб қоча бошлади.

...Суд зали. Бурчакда сочи тақир қилиб олинган қотил — Бахтиёр бошини эгиб ўтирибди. Олдинги ўриндиқларнинг бирда сочларига оқ оралаган, ғамдан қадди букилган, кўзлари ёшга тўла муштдеккина аёл дам-бадам ўғлига тикилиб, унинг кўзларини қидиради: «Мен сени умринг қамоқда ўтсин деб туққанмидим болам», — демоқчидек лабларини пирпиратади. Орқа ўриндиқда кўзлари йиғидан қизарган ёшгина жувон — марҳумнинг рафиқаси боласини бағрига маҳкам босганча атрофга ғамгин нигоҳ ташлайди. Ҳамма ҳукми кутмоқда.

Залда фақат раиснинг овози жаранглайди:

— Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти номидан ҳукм қилинади: 1962 йилда туғилган фуқаро Б. Абдужалилов ЎзССЖ Жиноят Мажмуасининг 280 ва 282-моддаларига асосан айбдор деб топилсин. У сажиз йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, жазо муддатини ахлоқ тузатиш меҳнат колониясида қатъий режим асосида ўтасин.

Суд ҳукми вожиб. Зеро, «саёқ юрган, таёқ ёйди», деб бежиз айтмаган халқимиз.

Р. АҚБАРАЛИЕВ,
Тошкент шахри.

ЯНА ЛОҚАЙДЛИК ҲАҚИДА

Айни ўйнаб куладиган, қирчиллама ёшдаги уч йигит совуқ ва зах ҳужраларда ётиб, кеча озодликда қўшдек эркин торган вақтларида қилган ўғирликларни учун бош эгиб, афсус-надомат чекиб, ғаму-андуҳга ботиб, терговчининг саволларига жавоб қайтармоқда. Улар тиканли сина ичдаги меҳрсиз, мурувватсиз, шавқсиз ҳаётнинг туздан тотиб кўришган. Бироқ тавба қилиш, тўғри йўлни танлаш ўринга яна ўғирликка қўл урдилар. Кечагина оғиз-бурун ўпишиб, бир-бирга жонини бермоқчи бўлган уч оғайин бугун ашаддий ёнга айланиб, бир йил, бир ой, лоқай бир кун бўлсада жазо муддатини камайтириш учун бир-бирларига айб тўнкайдди. Кўча-кўйда одамларнинг юрагига қўрқув солиб юрган уч қаҳрамон ҳозир шафқат тилаб, кўз ёш тўкишяпти.

Умархўжаев илгари қамалиб чиққан икки шериги Раҳматуллаев ва Сидиқов билан 28 жиноятни содир этишган. Жабр тортган фуқароларнинг атиги 7 нафарини бу ҳақда икки ишларга хабар берган. Уларнинг қўрқоқлигидан фойдаланган жиноятчи гуруҳ кунда бўлмасада, кунора фуқароларнинг шахсий машиналарини ўғирлаб, эгаларидан катта пул талаб қилишган.

1990 йил 25 май кунини Со-бир Раҳимов туманида яшовчи Х. Каримовга тегишли «Москвич-412» машинасини ўғирлашди. Бунинг қарангичи, машина ичиде 5000 сўм пул билан бирга ҳар қутиси 8 сўмлик 80

дона... жами 640 сўмлик «женьшеня» дориси бор экан. Машина эгаси ҳам «оппо» эмас шекилли, ўздан қўриқиб, бу ҳақда ҳеч кимни хабардор этмади. Бундай катта ўлжани кўриб, уч азамат гапининг тағига дарров етишди. Зудлик билан машина эгасининг шахсини аниқлаб, уйига қўнғироқ қилишди. Эртаси кун талаб қилинган 5000 сўм пулни олишди-ю, уларнинг қўрқоқлигидан янада руҳланиб кетишди. Ачинарлиси шундаки, юзмаюз сўроқ қилинганда машиналарини қайтариб олишда пул берганидан баъзи фуқаролар тонинди. Жиноятчилар пул олганимиз, деса, фуқаролар пул бермаганимиз, дейишадди. Жабрланувчилар билан ёлғиз суҳбат ўтказилганда: «Очиқда шерикларни бўлиши мумкин, тагин бизлардан ўч олишса-я», — деб жавоб берилди.

Ахир бу жиноятлар сизу бизнинг қўрқоқлигимиз туфайли бўлмаяптими!

— Талаб қилган пулни бериб, қўрқоқлик қилиб ўғирларнинг ёнини олиб турса, уларни йўқотиб бўлармиди! — дея кўйиниб кетади терговчи Турсунбой Раҳматуллаев. — Нега одамлар қўриқшадди. Бу уларни янги-янги жиноятларга руҳлантиришнинг наҳотки биллишмаси!

Одамларимизнинг шундай қўрққинлиги ва совуқонлиги, қўрқоқлиги текки даромад илминда юрган бошқа жиний гуруҳини туғдирмаслигига ким кафолат беради!

Шовқидди САМИЕВ.

ҲАЁТИЙ ТОПИШМОҚ



— Жон болам, учинчи марта келаямиз олдинга. Ҳасратимизга қулоқ соласанми ё йўқми!
— Иш кўпда, отахон. Тиним йўқ бизда. Эртага келинг. Ҳозир нариги маҳаллада бир уйни ўғри урибди. Бормасам бўлмайди.

[Бу милиция ходимининг аёл исм-шарифини аниқлашда бизга рўзномасеварлар кўмаклашадиган умиддамиз].

ЕНҒИН ЎЧИРИЛДИ

Қўнғиротдан юз километр нарида, Устюрт ясси тоғликлариде газ қидириш қудуғида чиққан аланга кукули ўт ўчқувчи махсус қурилма ёрдамида ўчирилди.

Енғин 11 март кунини уч ярим километрдан кўпроқ чуқурликдан отилиб чиққан газ фаввораси алангаланиши натижасида рўй берди. Енғин ўн бир кун давом этди. Авария бўлган ерга Қорақалпоғистон жумҳуриятидаги махсус ўт ўчириш қисмлари юборилди, Ўзбекистоннинг бошқа вилоятлари

ҳам ёрдам берди.

Зўр куч билан ҳавога ўрлаётган аланганинг ёнига яқинлашиш мумкин эмасди. Қудуқ узоқда бўлганлиги сабабли жуда катта қийинчилик юзага келди, бу ерда сув ҳам йўқ эди. Ўн тўрт километрлик масофадан сув қувурни тортиб келинди. Сув тўпланадиган маҳсус ерда минг кубометрдан кўпроқ сув йиғдилар. Барча тайёргарлик ишлари тугатилгач, ёнғинга қарши ҳужум бошланди...

[ЎзТАГ мухбири].

ҚИРҒИНИ БОШЛАГАН ҲУКМ ҚИЛИНДИ

Қирғизистон Республикасининг Олий суди ССЖИ Олий Кенгашининг собиқ депутати Атаман Тошалиевни 12 йил озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилди.

ССЖИ Бош прокурорининг ёрдамчиси, ССЖ Иттифоқи Прокуратураси тергов гуруҳининг раҳбари Александр Фроловнинг ТАСС мухбирига хабар қилганидек А. Тошалиев ўтган йилнинг 5 июнида Ўш вилоятидаги қирғиз ва ўзбеклар ўртасидаги миллатларо қарама-қаршиликдан фойдаланиб, безори жангариларнинг Ўзганга «юриси»га бошчилик қилди, у ерда ўзбекларнинг хонадонларида қирғинга бевосита раҳбарлик қилди, одамларни отишга буйруқ бериб турди.

Ҳаммаси бўлиб минтақадаги оммавий тартибсизлик билан боғлиқ 65 та жиний иш судга оширилди. Шу ишларнинг деярли ярми кўриб чиқилди.

В. ЗЕНЬКОВИЧ,
ТАСС мухбири.

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Октябрь туманидаги 31-ўрта махсус хунар-техника билим юртини 1990 йил тугаллагани ҳақда МИРСАЙ-ДОВ Миршароф Маҳкамбаевич номига берилган Б № 208121 диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент таобот олий билимгоҳини тугаллагани ҳақда Р. А. Абдукадинова номига берилган КВ серияли 845498 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ЖОСУСЛИКДА АЙБЛАНИБ

АҚШнинг Бонндаги элчихонаси секретарь-машинисткаси Габриэль А. (Германия фуқароси) ГДРнинг аввалги хавфсизлик хизмати — «Штази» фойдасига жосусликда айбланиб ушланди. Америка

элчихонаси ходимаси бўлган ҳолда, дейилади Карлсруэдан олинган Рейтер хабарига, 14 йил давомида турли ҳужжатларни ўзининг таниши бўлган «Штази» агентига етказиб турган.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ: ТАЖОВУЗКОРЛАР

Сенат баёнотасида уқтирилшича, яқин йиллар ичиде АҚШда содир этилган жиноятлардан номусга тажовуз қилиш сони яисли кўрилмаган даражага етди. Бу рақам 100000 тани ташкил

этди. Мазкур фактнинг диққатга сазовор жойи шундаки, сўнгги 10 йил ичиде жиноятнинг бу тури бошқаларига қараганда тўрт марта тез ўсган. («Известия» рўзномасидан)

Мухаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Бу юртимиз № 5119.

Телефонлар: Мухаррир — 32-38-86,
муҳаррир ўрибосари — 39-77-23,
37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» —
(«НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД
ЎзССР

Рўзнома офсет усулида А-3 қолипиде босилган.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.

Индекс: 64615.